

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЛ ОЛДИ УНЛИЛАР ДИСТРИБУЦИЯСИ

Radjabov Nasir Nasimovich

O'R Jamoat xavfsizligi universiteti

Tillarni o'rganish kafedrasи professori  
fil.fan.falsafa doktori (PhD), dotsent

Мақола ўзбек тилидаги унлиларнинг сўздаги дистрибуцияси тадқиқига бағишиланган. Унда ўзбек тилида тил олди унлилар дистрибуциясининг урғули ва урғусиз ҳолатдаги ўзига хослиги тадқиқ қилинган. Шунингдек, мақолада тил олди унлиларининг сўздаги ўрнига кўра воқеланадиганг турли хил аллофонлари ҳам ўрганилган. Мақола сўнггида, ўзбек тилидаги тил олди /a/, /i/ унлиларининг сўздаги ўрни чекланмаган, /e/ унлисининг сўздаги ўрни эса чекланган, деб хуроса қилинган.

**Калит сўзлар:** нутқ товуши, фонема, тил олди унли, дистрибуция, бўғин, урғули ҳолат, урғусиз ҳолат.

Ўзбек тилида /t, e, a/ тил олди унлиларининг дистрибуцияси уларнинг урғули ёки урғусиз ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзаро фарқланади.

/e/ фонемаси дистрибуциясига кўра урғули ҳолатда одатда сўз бошида ва ўртасида, урғусиз ҳолатда кўпроқ сўз бошида учрайди. *ет, бер; егди, тегди.* “Бу фонема ... кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида (этик, тешик, бешик каби) кўпроқ қўлланади” [4, 114], иккинчи бўғинда нисбатан кам учрайди: бойчечак. Сўз охирида эса у очиқ бўғинда “э” юкламасида, ёпиқ бўғинда урғу олмайдиган аффиксларда учраши мумкин: *бор-э, йўғ-э; ойдек, отдек.* “/e/ унлиси чуқур тил орқа /қ, ғ/ ундошларидан кейин умуман учрамайди. Бироқ, у /х/ ундошидан кейин бир нечта сўзларда учрайди: *хеш (можикча қариндош), хендбол (инглизча қўл тўпу ўйини).* Шу сабабли, /e/ нинг тил орқа аллофонининг қўлланиши жуда чекланган. /e/ нинг тил олди аллофони кўпроқ учрайди” [1, 76]. Урғусиз /e/ товуши урғули /e/ га нисбатан кучсизроқ талаффуз қилинади. Натижада унинг сифатидаги аниқлик ҳам бироз камаяди, лекин сифатдаги ўзгариш урғусиз /e/ унлисини урғули ҳолатдагидек талаффуз қилишга тўсқинлик қilmайди. Ўзбек тилига араб, форс тилларидан ўзлашган сўзларда урғусиз /e/ янада кучсизланиб, тор унлига мойил талаффуз қилиниши мумкин: *мехмон [mihmon], мезбон [mizbon], меҳнат [mihnat].* Шунингдек, /e/ унлиси “... русча-интернацонал сўзлар таркибидаги урғусиз бўғинда яна ҳам торроқ (и унлисига яқин) талаффуз қилинади: *телефон >тилифон, телевизор>тиливизор*” [3, 51]. /e/ унлиси “туркий сўзларда биринчи бўғиндан кейинги бўғинларда ишлатилмайди (бор-э, йўғ-э сўзларидағи “э” юкламаси бундан мустасно)” [4, 114]. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам якка сўзларда урғу, асосан, сўзниң охирги бўғинида бўлади. Бу ҳолат /e/ унлисини кўп бўғинли сўзларда урғули бўғиндан кўра урғусиз бўғинда кўпроқ қўлланишини кўрсатади. А.Сёберг /e/

унлисининг тўртта аллофонини фарқлайди [7, 16]. У /e/ унлиси сўз бошида икки ўндош орасида келганида юқори-ўрта олд, ёпиқроқ, лабланмаган (high-mid, front, quite close, unrounded vowel) аллофонига эга бўлиб, /ɪ/ унлисига яқинроқ талаффуз қилинишини таъкидлайди: *келтиринг* [keltırıñ], *менга* [meŋga], *беш* [beš]. /e/ унлиси урғули бўғинда чўзиқроқ, урғусиз бўғинда қисқароқ талаффуз қилинади: *бер* ['ber], *берди* [ber'di].

/a/ фонемаси дистрибуциясига кўра сўзнинг исталган бўғинида келиши мумкин: *арт*, *кам*, *сана*, *appa*, *ўнта*, *чакана*, *четлатади*, *айлантирма*. /a/ унлиси чукур тил орқа ўндошлари таъсирида орқа қатор унлига мойил талаффуз қилинади: *қарамоқ*, *ғамлади*, *хато*. Урғусиз ҳолатда /a/ унлиси урғули ҳолатга нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади, лекин унинг сифати ўз “борлиғини” сақлаб қолади. Масалан, “... дараҳт сўзининг урғусиз бўғинидаги [a] қисқа ва кучсиз талаффуз қилинса-да, ўз сифатини деярли ўзгартирмайди ... . Булардан ташқари, /a/ унлисининг лаб ўндошлари билан ёнма-ён қўлланганда кучсиз лабланган /o/ унлисига ўтиш ҳоллари ҳам учрайди: ... аввал – оввал, гавда – говда” [2, 14-15]. Бундай ҳолларда, урғусиз /a/ унлисининг кучсиз лабланган /o/ унлисига мойил талаффуз қилиниши фақат оғзаки нутқقا хос бўлиб, адабий талаффузда учрамайди.

/ɪ/ фонемаси дистрибуциясига кўра урғули ҳолатда сўзнинг турли ўринларида кела олади: *ип*, *бир*, *берди*; Урғусиз ҳолатда *у*, *асосан*, сўзнинг бошида ва ўртасида учрайди: *икки*, *учинчи*, *кийимида*, *қимирладилар*. Урғусиз /ɪ/ унлиси сўзнинг охирги бўғинида сўроқ, таъкид маъноларини ифодаловчи -ми, -чи юкламаларида: *айтдими?* *сен-чи?*; буйруқ маъносини англатувчи буйруқ феълининг тусловчи қўшимчаларида: *боргин*, *борсин*; феъл ясовчи -и қўшимчасида: *бойи*, *ками*; гумон олмоши ясовчи -дир қўшимчасида: *кимдир*, *нимадир*; тўлиқсиз феълининг қисқарган шакларида: *эмис*, *эди*; шунингдек, феъл даражা ясовчиларидан сўнг қўшилган тусловчи қўшимчаларда: *ювинди*, *кийинди* [6, 8-9] учрайди. Маълумки, /ɪ/ унлиси урғусиз ҳолатда урғули ҳолатга нисбатан анча қисқа талаффуз қилинади. Умуман унлиларнинг нисбатан қисқароқ талаффуз қилинишида бир нечта фонентик омиллар таъсир кўрсатади. Ана шундай фонетик омиллардан бири унлисининг сўздаги ўрни бшлса, яна бири редукциянинг уларга таъсири саналади. Редукцияга учраган унлисининг миқдорий томони ва интенсивлиги (товуш кучи) унга ёндош келган ўндошлар билан ҳам боғлиқ. Агар тор унли жарангсиз портловчилар: /п, т, к, қ/ ёки жарангсиз сирғалувчилар: /с, ф, х, ш, ч/ ёки жарангсиз портловчи ва сирғалувчи қуршовида келса, миқдорий томондан қисқа ва интенсивлиги кучсиз бўлади [5, 22]. Демак, икки жарангсиз ўндош орасида келган [ɪ] унлиси икки жарангли ўндош (/р, л, м, н, з/ ўндошлари бундан мустасно) орасида келган урғусиз [ɪ] унлисидан сезиларли даражада қисқа бўлади: *пиши*, *виждон*. Жарангли ўндошлар, айниқса, /й/ ўндоши билан ёнма-ён келган [ɪ] унлиси нисбатан чўзиқроқ талаффуз қилинади: *йигирма*, *кийими*. Урғусиз ҳолатда /ɪ/ унлисининг бошқа урғусиз унлилардан ўзига хослиги шундаки, у тез талаффузда икки жарангсиз ўндош орасида тўлиқ редукцияга учраши ҳам мумкин: *писта* [pstə], пичоқ

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-2, ISSUE-13 (26-December)**

[*rchoq*]. Ўрта ва қўйи кенг унлилар эса тез талаффузда тушиб қолмайди: *берди* [*berdi*], *бўри* [*bo'ri*], *арпа* [*arpa*], *олди* [*oldi*]. /ɪ/ унлиси баъзан урғули бўғинда ҳам редукцияга учрайди ва қисқа талаффуз қилинади. Бу ҳолат, /ɪ/ унлиси сонор товушлар (/r, l, m, n/) ва жарангли /z/ ундоши билан ёнма-ён келганда юзага келади: *cirp*, *til*, *cim*, *tin*, *qiz*. Бунда /ɪ/ унлиси қисқа бўлса-да, талаффуз қилинади. Чунки, /ɪ/ унлиси урғули бўғинда қисман редукцияга учрайди. Урғусиз бўғинда /ɪ/ унлиси жарангли ундошлар орасида қисман, жарангсиз ундошлар орасида тўлиқ редукцияга учрайди: *vijdon*, *jiddiy*; *piшириш* [*p(i)shirish*], *шишириш* [*sh(i)sh(i)rish*], *писта* [*p(i)sta*], *тишлади* [*t(i)shladi*]. Демак, /ɪ/ унлиси урғули бўғинда қисман, урғусиз бўғинда қисман ёки тўлиқ редукцияга учраши мумкин. Қисман редукцияга учраган /ɪ/ унлисининг сифати бироз ўзгариши сабабли, у қисқа /ɪ/ тарзида талаффуз қилинади. Урғусиз бўғинда тўлиқ редукцияга учраган /ɪ/ унлиси сифат ва миқдорининг анча камайиши туфайли талаффузда деярли эшитилмайди. А.Абдуазизов /ɪ/ унлисининг аллохроник ўзгарувчанлигини шундай изоҳлайди: “... ўзбек тилидаги /ɪ/ фонемаси миқдорий жиҳатдан муайян эмас – бу фонеманинг миқдорий таснифи турли товушлар билан ёндош ҳолатда нормал талаффузидан у ёки бу томонга қараб ўзгаради. Лекин, /ɪ/ унлисининг сўз охирида урғули бўғиндаги ҳолатда учрайдиган варианти аслида кучли позиция бўлгани учун асосий вариант деб ҳисобланиши зарур эди. Бироқ, *икки* [*ikkə*], *берди* [*berdə*], *тилим* [*tiləm*], *янги* [*yangə*] каби сўзларда урғули бўғинда /ɪ/ - /ə/ томон силжиб, бир йўла сифат ва миқдорий жиҳатдан фарқланади” [1, 75-76].

Юқоридаги таҳлилга асосланиб, ўзбек тилидаги тил олди унлиларини урғусиз ҳолатда сўздаги ўрнига кўра шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

а) бўғин турига кўра сўздаги ўрни чегараланмаган урғусиз унлилар: /a/, /ɪ/. Бунда урғусиз /a/, /ɪ/ унлилари сўзнинг исталган ўрнида очиқ бўғинда ҳам, ёпиқ бўғинда ҳам келиши мумкин.

б) бўғин турига кўра сўздаги ўрни чегараланган урғусиз унлилар: /e/. Бу урғусиз унлилар сўздаги ўрни чегараланганлиги туфайли, асосан, сўз бошида ҳамда охиридаги очиқ ҳамда ёпиқ бўғинларда кела олади. Сўз ўртасидаги (кўп бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғинида) очиқ ҳамда ёпиқ бўғинларда мазкур урғусиз унлисининг қўлланиш доираси чекланган. Сўз ўртасида урғусиз /e/ унлиси, асосан, очиқ бўғинда учрайди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Тил олди унлиларининг бўғин турига кўра сўздаги ўрни

Унлилар	Сўздаги ўрни	Бўғин тури	
		Очиқ бўғин	Ёпиқ бўғин
/ɪ/	сўз бошида (1-бўғин) сўз ўртасида (2-бўғин) сўз охирида (2-3-4 бўғин)	иморат, тикади кийими бойи, ювинди	икки, тиқди учинчи нимадир

/e/	сўз бошида (1-бўғин) сўз ўртасида (2-бўғин) сўз охирида (2-3-4 бўғин)	эшик, тешик бойчечак бор-э, йўғ-э	эчки, сепди — ойдек, отдек
/a/	сўз бошида (1-бўғин) сўз ўртасида (2-бўғин) сўз охирида (2-3-4 бўғин)	анор, сариқ чакана, пакана ўнта, юзларча	арра, катта четлатди ишчисан, ўқувчисан

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилида тил олди унлиларининг сўздаги дистрибуцияси урғули ва урғусиз ҳолатда ўзаро фарқ қиласди. /a/, /ɪ/ унлилари урғули ҳолатда ҳам, урғусиз ҳолатда ҳам сўзнинг исталган ўрнида қўлланади. /e/ унлиси урғули ҳолатда сўз бошида ва ўртасида, урғусиз ҳолатда эса кўпроқ сўз бошида учрайди. Сўз охирида /e/ унлиси урғули ҳолатда учрамайди, урғусиз ҳолатда эса кам учрайди.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – 172 б.
2. Азизов О., Сафаев А., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 256 б.
3. Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – 280 б.
4. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фан, 2009. – 222 б.
5. Маматов Ж.Т. Ўзбек тилида редукция: Филол. фан. ном. дисс. автореферати. – Т., 2009. – 26 б.
6. Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. – Т., 1947. – 28 б.
7. Sjoberg A.F. Uzbek Structural Grammar. Indiana University. Vol.18. The Hague, 1963. – 158 p.